



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 4 ноябрь, Сешанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 216 (11.277) Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 3 НОЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БРАЗИЛИЯНИНГ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИ МЭРИ СЕЗАР МАЙЕНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ўзбекистонда Бразилияни, унинг тарихи ва бугунги яши биллашади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бразилия жадал ривожланиб бораётган, жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тобора кўп жалб этаётган давлатдир. Ўзбекистон шаҳарлари, хусусан, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлари билан яқиндан танишиш тўғрисидаги қарорингизни қадрлаймиз.

Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда 2007 йилнинг август ойида Бразилияда илк бор бўлиб ўтган икки мамлакат ташки сийсат маҳкамаларининг сиёсий маслаҳатлашувлари муҳим аҳамиятга эга. Музокаралар чоғида Ўзбекистонда ҳам, Бразилияда ҳам сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш ва иштиёқ мавжуд эканлиги намойён бўлди.

Жорий йилда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар фаоллашди. Сентябрь ойида Бразилиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси Карлос Антонио да Роша Параньос мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокара ўтказди.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ доирасида яқиндан ҳамкорлик қилади. Латин

Америкасида ядро қуролини таъкиллаш тўғрисидаги шартномага қўшилган Бразилия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизлики мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи давлатдир. Ўзбекистон Бразилия учун Марказий Осиё дарвозаси, айна пайтда Бразилия Ўзбекистон учун Латин Америкасига робита бўлиши мумкин. Икки мамлакат ҳам иқтисодий соҳада, жумладан, қишлоқ хўжалиги, нефть-газ саноати соҳасида яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

2007 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 65 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2008 йилнинг январь-июнь ойларида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,4 марта ошди.

Бразилияда шаккарқамиш, қахва, цитрус мевалар етиштиришда, шунингдек, нефть ва табиий газ қазиб олиш борасида катта тажриба тўпланган. Сайёҳлик ва спорт соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш учун икки томонда ҳам улкан ресурслар мавжуд. Ўзбекистон ва Бразилия халқларининг бой мада-

нияти ва санъати, адабиёти гуманитар соҳада фаол ҳамкорлик қилиш учун яхши заминдир. Бунда шаҳарлар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Рио-де-Жанейро мэри Ўзбекистонга ташриф асосида Самарқанд шаҳрида бўлди. Самарқанд ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Рио-де-Жанейро Бразилиянинг энг йирик шаҳарларидан бўлиб, ушбу мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бири саналади. "Рио" билан Истанбул, Жидда, Санкт-Петербург, Барселона, Богота, Париж, Сеул, Сидней каби шаҳарлар ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Сезар Майе самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон — Бразилия муносабатларини, Ўзбекистоннинг дунёга машур қадимий шаҳарлари билан Рио-де-Жанейро ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга Ислам Каримов эътибор қаратгани Бразилия томонидан юксак қадрлини таъкиллади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5-8 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Болгария ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОЛҚОН ЯРИМ ОРОЛИНИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН. РУМИНИЯ, МАКЕДОНИЯ, СЕРБИЯ, ГРЕЦИЯ ВА ТУРКИЯ КАБИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ЧЕГАРАДОШ, МАМЛАКАТ ҲУДУДИНИНГ ШАРҚИЙ ҚИСМИ ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛИ БИЛАН ТУТАШГАН.

Ҳудуди 110 минг кв. км.га тенг бўлган Болгариянинг аҳолиси 7,77 миллион киши. Пойтахт Софияда 1 миллион нафар одам истиқомат қилади. София мамлакатнинг саноат ва маданий марказидир.

Болгария — парламент республикаси бўлиб, Конституцияси 1991 йил 12 июль кунин қабул қилинган. Шу кундан эътиборан мамлакатда демократик тамойиллар ва эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш эълон қилинган.

Болгария қонун чикаручи ҳокимияти — доимий фаолият юритувчи 240 нафар депутатдан иборат бир палатали Халқ кенгаши.

Мамлакат раҳбари — Президент бўлиб, умумхалқ ва тўғридан-тўғри сайлов орқали 5 йил муддатга сайланади.

Болгариянинг ҳозирги Президенти 2002 йил январь ойида сайланган Георги Парвановдир. У ушбу лавозимга 2006 йил 29 октябрда қайта сайланди ва 2007 йил 22 январдан бошлаб ўз вазифасини ўтаб келмоқда.

Болгария — қишлоқ хўжалиги ривожланган саноатлашган мамлакат. XX аср охиридаги Болгарияда бошқа бир қатор давлатлар сингари, хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи ўринга чиқди. Мамлакат иқтисодиёти юқори суръатда (йилга ўртача 6 фоизга) ўсмоқда. Далиллар шунини кўрсатмоқдаки, Болгария экспортда юқори қўшимча нархли маҳсулот улуши ортиб бориб, импортда эса сармоявий маҳсулотлар улуши жадал ўсмоқда.

Болгария Қора ва Урта Ер денгизидан то Атлантика океанигача бўлган муҳим денгиз транспорти магистраларида жойлашган. Бу — мамлакатга нафақат Европа, балки бошқа қитъалардаги давлатлар билан ҳам яқин савдо алоқаларини йўлга қўйиш имкониятини бермоқда.

Мамлакатда Дунай дарёси ва Қора денгиз бўйлаб кемалар қатнови яхши ривожланган, юкларни жўнатиш борасида катта имкониятлар мавжуд. Русе, Лом, Свиштов, Видин каби дарё ҳамда Варна ва Бургас каби асосий денгиз портлари мавжуд. Портларнинг таъминлиниш даражаси жаҳда яхши бўлиб, улар катта миқдордаги юкни қабул қилиш ва сақлаш имкониятига эга. Бундан ташқари, портлар автомобил ва темир йўл магистралари билан боғланган.

Узининг Қора денгиз бўйидаги дам олиш масканлари билан машур бўлган Болгария сўнгги йилларда халқаро сайёҳлик марказларидан бирига айланиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида мамлакатда 4,3 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф бўлиб, олинган фойда 1,5 миллиард еврони ташкил этди.

Республика 1955 йилдан буюн БМТ, шунингдек, 300дан ортиқ халқаро ва минтақавий ташкилотлар аъзоси ҳисобланади. Болгария 2007 йил 1 январидан бошлаб ЕИ давлатлари сафига кирди. 2004 йил апрель ойидан буюн НАТО аъзоси. Болгария, шунингдек, Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти иштирокчиси, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки, Жаҳон савдо ташкилоти аъзосидир.

Болгария Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 6 январь кунин тан олган. 1992 йил сентябрда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилган. 1999 йилдан бошлаб Тошкентда Болгария элчихонаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон-Болгария муносабатлари асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил июнь ойида Болгарияга буюрган ташрифи давомида яратилди.

1999 йил 7-8 май кунлари Болгария президенти П. Стоянов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. 2003 йил 24-26 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Болгарияга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида икки томонлама 14 та ҳужжат имзоланиб, улар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталари, ўзаро ишонч ва ҳурмат, мустақам ва барқарор асосга эга эканини яна бир бор намойиш этди.

(Давоми 3-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Ёшлар ижод саройида «БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА» МАВЗУИДА КЎРГАЗМА БОШЛАНДИ. ТАДБИР ЮНИСЕФНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ, «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



2008 — Ёшлар йили

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Тадбирда навқирон авлод камолоти ва истиқболни йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, унинг таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, жамиятнинг етакчи кучига айланиши учун Ўзбекистонда барча шароит ва имкониятлар яратилгани таъкидланди. 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Халқ таълими вазирилик томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу фото ва расмлар кўргазмасидан ўрин олган ишларда болаларнинг таълим олиш, оилада яшаш ҳуқуқи, жамият, мадани-

ят, атроф-муҳит, ноғиронлик ҳақидаги тушунча ва тасавурулари ўзифодасини топади.

Кўргазмада Тошкент ва Самарқанддаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан олинган фотосуратлар, тасвирий санъат йўналишида эса халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари йўллаган расмлардан энг яхшилари — олтишдан ортиқ ижодий иш намойиш этилмоқда.

Кўргазма доирасида ўтказилган танлов ғолибларига совринлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар Владимир Гранкин олган суратлар



лов қонунчилиги ва унда замонавий технологияларнинг қўлланилиши» мавзусига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармасида уюштирилган тадбирда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш хусусида сўз борди. қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳ, ирсий ва тумга хасталикларнинг ўчоғи эканлиги таъкидлаб ўтилди.

• **РЕСПУБЛИКА** Акци-

ядорлик-тижорат «Капитал» банки ташаббуси билан банк соҳаси мутахассислари, ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида уларга қулайлик яратишнинг аҳамиятига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат

шарқшунослик институтида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан уюштирилган адабий кечада адиблар, шоирлар, талабалар, ўқитувчилар ҳамда ёзувчининг аяқлари, шогирдлари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона шаҳрида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини химоя қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят Адлия, солиқ ҳамда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фермерлар иштирок этишди.

• «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик шароити оғир ҳудудлардаги ёш оилаларнинг, айниқса бokuвчисини йўқотган ва яққа ҳолда болаларини тарбиялаётган ёш аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва ёшларнинг маиший шароитини янада яхшилаш мақсадида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Хоразм вилоятига наватбадаги саломатлик поездини жўнатишди.

• Вилоят қишлоқ хўжалигига саноатни, янги техника ва технологияларни олиб киришда Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Жиззах вилояти бўлимининг улуши самарали бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида бўлим ўз мижозларига хориждан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун бир миллиард 154 миллион, кичик технологиялар харид қилишга 512, замонавий иссиқхоналар қуришга 487, паррандачиликни ривожлантиришга 38 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратди.

• Наманганда тиббий хизмат кўрсатиш ни янада яхшилаш мақсадида Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банки ёрдамида яна бир хайрли тадбир амалга оширилди. Яқинда шифокорлик пунктларида фойдаланиш учун 8 та «Дамас-амбуланс» сотиб олинди. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жиҳозлари билан таъминланган автомобиллар қишлоқ шифокорлик пунктларининг қақирувига жавобан зудлик билан етиб боради ва амалий ёрдам кўрсатади.

• Жарқўғондаги қурилиш конструкциялари комбинати масъуляти чекланган жамияти ҳузурдаги қасаначилар шу йилнинг 9 ойи мобайнида 8 миллион сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқаришди. Ҳозирда қорхонада дурадгор, темирчи, токарлар учун қасаначилик тартибиде 10 та иш ўрни очиб бериш саъй-ҳаракатлари кетмоқда.

• Навоий шаҳридаги «Меъмор» маҳалласида «Камолот» ЕИХ шаҳар Кенгашига қарашли «Камолот» тараққиёт» фирмаси томонидан нон тайёрлаш қорхонаси фойдаланишга топширилди. Шу ернинг ўзида «Оби нон» савдо дўкони ҳам ишга туширилди. Ҳозир бу ерда асосан йод моддаси билан бойитилган хар хил ширинликлар, нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

• Арманистон билан Озарбойжон Тоғли Қорабоғ ҳудуди борасидаги зиддиятни ҳал этиш мақсадида қаратилган илк қўшма баёнотни имзолади. Москвада Президентлар Дмитрий Медведев, Серж Саргисян ва Илҳом Алиев иштирокида ўтказилган музокаралар расмий Кремль ташаббуси билан ташкил этилди. Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этишга қаратилган декларацияда келтирилишича Россия, Озарбойжон ва Арманистон Жанубий Кавказдаги вазиятни яхшилаш ва минтақада тинчлик ўрнатилиши йўлида фаолият юритади.

• Бугун АҚШда президент, Конгресс аъзолари сайлови билан биргаликда 11 та штатда губернатор сайловлари ҳам бўлиб ўтади. Президент сайловининг дастлабки натижалари эртага эрталаб маълум бўлади.

• Ингушетия парламенти Юнусбек Ёвқуров номзодини Ингушетия президентлигига маъқуллаб овоз берди. Россия Федерацияси раҳбари томонидан номзоди тавсия этилган 45 ёшли Ёвқуровнинг Ингушетиядаги зўравонликларга чек қўйиши мумкинлиги кўпчилик томонидан башорат қилинмоқда.

• Эрон нефть қазиб олишни кунига 199 минг баррелга камайтирмоқчи, дея хабар беради «АР» ахборот агентлиги. Бу ҳақда мамлакат нефть вазири Фулом Ҳусайн Нозари маълум қилган. Унинг айтишича, Эрон ОПЕК олиб бораётган сиёсатга қўра шундай йўл тутмоқда.

• Жазиор ҳукумати мамлакат парламентида кўриб чиқиш учун Конституцияга президентнинг чексиз марта сайланиши мумкинлиги тўғрисида киритилаётган ўзгаришни тақдим этди.

• Сомалилик қароқчилар Аден кўрфазиде Дания мамлакатига тегишли юк ташийдиган кемага ҳужум уюштиришди. Қароқчилар билан денгизчилар ўртасидаги тўқнашув бир неча соат давом этган. Дания қуроли кучларига тегишлар вертолёт етиб келганидан сўнг, босқинчилар чекинишга мажбур бўлишган.

• Аргентина футболчи тарихида энг яхши ўйинчи деб тан олинган Диего Марадона мамлакат терма жамоасининг бош мурабийси этиб тайинланди.

• Канадада тадқиқотчилар жаҳонда илк бор атомни қўра оладиган микроскопни яратди. Бу кашфиёт оламдаги энг митти зарра бўлган атомни кенг тадқиқ қилиш имкониятларини оширди. Яъни, янги микроскоп билан атомларнинг кимёвий таркиби, ҳатто уларни боғлаб турган электронларни ҳам тадқиқ қилиш мумкин. Ушбу кашфиёт Канаданинг Макмастер университети Электрон микроскоплар марказида амалга оширилди.



Шуни айтиш жоизки, академия йил бошида «Овқатлиши сирлари», «Спорт эстафетаси», «Саломатлик сирлари» каби кўплаб тадбирларни ўтказиб, инсон саломатлиги учун муҳим бўлган омилларга алоҳида аҳамият берган ҳолда уларни тарғиб этиб келмоқда. Шу билан бирга ушбу тадбирлар орқали касаллиқни даволадан қўра унинг олдини олиш ва одамларни касалликдан огоҳ этиш амалий натижа бериши мумкинлигини кенг-қатъ ома-масига етказиш, хусусан талабалар учун ўтилаётган дарсларнинг амалий ва кўргазмали маъшулот сифатида қадри эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Жумладан, кунни кеча Тиббиёт академиясида анъанавий 4-қовоқ сайли ҳам ана шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилди. Академия ҳовлисида бошланган сайлида академиянинг ўқитувчи-профессорлари, талаба-ёшлар ҳамда меҳмонлар иштирок этдилар. Байрам тадбирининг очилиш маросимига сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов ҳар йили анъанавий тарзда

қовоқ сайлини ўтказишдан асосий мақсад, аввало қовоқнинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканлигини, бу каби тадбирлар бўлгуси умумий амалиёт шифокорларнинг юқори малака ва назарий билим ва тажрибага эга бўлишларида муҳим омил бўлишини қайд этди. Шунингдек, қовоқдан инсон учун керак бўлган ўзига хос оксиллар, витаминлар, ферментлар, тузлар, ёғлар уйғун бирлашганлиги туфайли осон ҳазм бўлиши ва тез сингишини, шу туфайли болалар ва кексалар учун энг маъқул парҳез таом эканлигини гапириб ўтди. Маълумки, Тиббиёт академияси биринчи босқичда умумий амалиёт шифокорларини тайёрлайди. Бу шифокорлар эса оилавий шифокор сифатида биринчи бўлиб ҳар бир оилга кириб борадилар. Шунинг учун ҳам умумамалиёт шифокорлари катта салоҳиятга ва малакага эга бўлишлари зарур. Дарҳақиқат, қовоқнинг эти ҳам, шарбати ҳам, уруғлари ҳам жуда фойдали бўлиб, мазкур сабзавотдан овқат тайёрлашнинг дунёда минг хил усули бор.

Олий ўқув юртларида

БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛГАН ҚОВОҚ САЙЛИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА 2008 — ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ТУРЛИ МАВЗУЛАРДАГИ ТАДБИРЛАР, АНЖУМАНЛАР, ТАНЛОВЛАР ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЮКСАК БИЛИМ ВА МАЛАКАГА ЭГА БЎЛИШЛАРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.



Шуни таъкидлаш керакки, шифокорларнинг кузатишлари-га кўра, қайси мамлакатда қовоқ ҳар кунни истеъмол қилинса, уша мамлакатда узок умр кўрувчи инсонлар кўп бўлар экан. Қовоқ одамларни юрак қон-томир, ҳазм аъзолари, подагра, атеросклероз ва саратон касалликларидан сақлаши ҳам фанга маълум. Бундан ташқари, қовоқ энг муҳими инсон организмда қариш фаолиятини сусайтириш имкониятига эга. Маълум бўлишича, қовоқ Шимолий Америкадан Европага Колумбининг кемасида келган ва тез орада кўпгина мамлакатларга тарқалган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бизнинг мамлакатимизда қовоқ сабзавоти Европа мамлакатларига нисбатан икки маротаба кам истеъмол қилинади. Англия, Франция, Голландия, Австралия, Япония каби мамлакатларда ҳар йили анъанавий умум-халқ қовоқ сайли ўтказилиши орқали аҳоли унга ўзларининг ҳечқис хурматларини изҳор этишар экан.



жамоаси ҳам қовоқ шифокорлар учун энг яхши, беназир ёрдамчи эканлигини тушунган ҳолда қовоқ сайлини ўтказмоқдалар. Мазкур сайлда ҳам қовоқ сабзавотига тааллуқли бўлган илмий-амалий маълумотлар кўргазмалари, қовоқдан тайёрланган турли хил таомлар, сомса, чучвара, нон, лоцира, қатламалар ва бошқа шу каби неъматлар намуналари ва уларнинг янгица тайёрлаш усуллари намойиш этилди. Шунингдек, булар «Қовоқ сессияси» номи билан академиянинг «Тиббиётнома» газетаси ва илмий-оммабоп рисола сифатида кўп нусхада нашр этилди. Хулоса қилиб айтганда, қовоқ саломатлигимиз учун муҳим сабзавот бўлиб, инсониятнинг шифобахш ҳалоскори эканлиги амалда намойиш этилди. Ниҳоятда қизиқarli ва шодиёна ўтган қовоқ сайлида академиянинг «Адреналин» ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган қовоқ ҳақидаги ҳангомалар, саҳна кўринишлари, шунингдек, логотип, висторина ўйинлари иш-тирокчиларга руҳий озика бериб байрам сайлига ўзгача файз бахш этди. Севимли эста-рда хонандаларнинг дилрабо куй-қўшиқлари эса байрамнинг янада жозибали, тароватли ўти-шини таъминлади.

Дилором ИКРОМОВА, Кутбиддин НИЗОМОВ СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академиясида бўлиб ўтган қовоқ сайлидан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН «УСТОЗ-ШОГИРД» МАВЗУИГА БАГИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2008 — Ёшлар йили УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирда оммавий ахборот соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган етакчи журналистлар, етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Гуломов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори С.Умиров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида миллий матбуотимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидаги худудий телестанцияларда ёшлар студияларининг ташкил этилгани, ёш журналистларнинг касб маҳоратини юксалтиришга йўналтирилган турли лойиҳалар, анжуманлар, ижодий мулоқотлар, ўқув семинарлари, медиа-форумларнинг ташкил этилаётгани бунинг далилидир. Анжуманда миллий журналистика соҳасида «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттиришга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЁШЛАР

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА «МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР» МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ТАЛАБА-ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни беқуб эканлиги алоҳида таъкидланди. Очiq мулоқот тарзида ўтган тадбирда талабаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, уларга муносабат билдирилди. Талаба-ёшларнинг миллий қадриятлар, анъаналар, турли

урф-одатларга бўлган муносабатлари юқори эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад ҳам ёш авлод таълим-тарбиясида аёллар ролини янада ошириш, хотин-қизлар ўртасида содир бўлаётган турли ноҳус ҳолатларнинг олдини олишга қаратилганлиги таъкидланди.

Тадбирда «Миллий қадриятлар ва ёшлар», «Миллий қадриятларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Талаба-ёшлар бу борадаги билимлари виқторияна ўйинлари орқали синовдан ўтказилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

гум. Иккита клиентим бор. Уларни Юнусободга ташлаб, олдинга ўтаман. Бирор жойда юз-юз қилмасак бўлмайди. Қани энди гап тугаса. Биз эса боши гум ҳайдовчининг машинасига ўтирганимиздан ҳавотирдамиз. У қўлида телефон билан машинанинг тезлигини тобора ошириб боради. Хайрият алоқа узилди. Хайдовчи ҳали телефонини чўнтагига солиб улгурмай, ундан гапга мусика овози эшитилиб қолди. Яна ўзaro алоқа бошланди. — Барно яхшимисан, Жоним, бугун боролмайман. Маза йўқ. Булар-бўлмас гаплардан ташкил топган сўзлашув тугаши билан хайдовчинга сўз қотди. — Хозир машина рулида бораётган одам қўл телефонидан фойдаланиши таъқиқланганини биласизми? — Эй, қизиқ экансизу отахон. Қўл телефонисиз иш битармиди. Зарур бўлгандан кейин йўлдами, рулдами, гаплашаварасизда. Ахир бу сизимиз телефон одамларга қулайлик бўлсин деб яратилганда. Шундай бўлгач, менимча керакли вақтда ундан фойдаланиши мумкин. — Йўл назоратчилари бу гапнингизга қўншармикан? — Қўншади. Қўнмас акаларимизга айтиб кўндирамиз. Хайдовчининг дадил гапидан, чиндан ҳам бу одамнинг орасида керакли ишонган тоғлар бор эканда, деган ҳаёлга бордик. Шу тоғда яна мусика чалинди. Хайдовчи телефонини қўлга олди. — Алло, семисан Холис? — Энди сўзлашув бошланган эди Шахридон бекатида йўл назоратчиси олдинга чиқди. Машинимизга тўхташ ишорасини қилди. Хайдовчи дарҳол телефонни яширишга тушди. Бироқ бунга ҳожат йўқ эди. Сабаби, ҳамма нарса йўл назоратчисининг эътиборида эди. Хайдовчи турли баҳоналарни қилди. Ҳатто бизни кўрсатиб «Ишонмасангиз кабинада ўтирган отахондан сўранг, телефонимдан фойдаланганим йўқ. Қўлимда турганим бошқа нарса эди», деб назоратчини ишонтирмақчи бўлди. Бироқ назоратчи сўзида маҳкам турди. — Телефонда гаплашиб келаятганингизни ўзим кўриб ту-

раччиси олдинга чиқди. Машинимизга тўхташ ишорасини қилди. Хайдовчи дарҳол телефонни яширишга тушди. Бироқ бунга ҳожат йўқ эди. Сабаби, ҳамма нарса йўл назоратчисининг эътиборида эди. Хайдовчи турли баҳоналарни қилди. Ҳатто бизни кўрсатиб «Ишонмасангиз кабинада ўтирган отахондан сўранг, телефонимдан фойдаланганим йўқ. Қўлимда турганим бошқа нарса эди», деб назоратчини ишонтирмақчи бўлди. Бироқ назоратчи сўзида маҳкам турди. — Телефонда гаплашиб келаятганингизни ўзим кўриб ту-

чилиқ қилди. Биринчи ойлик шарофати билан уч-тўрт ҳамкасблари уни ўртага олишди. Қодиржон уларнинг раъйини қайтармади. Икки-уч шиша бўшатилгач, йигитлар ширин сўхтаб бўлиб кетишди. Қодиржон шундай «меҳрибон ва оқибатли» кишилар даврасига тушиб қолганидан хурсанд эди. Айниқса шу кунни усто-зи Карим акага ихлоси ортди. — Ҳой укам, — деди у, Қодиржоннинг елкасини силаб, — буну кўрагида ёли бор одам ичади. Ишдан кейин икки-уч жўралар йигилишиб, оз-оз ичиб, хордик чикарганга нима етсин. Устоз ва шогирдининг меҳрла-

мехмон пиёлага ароқ қуйиб Икромжонга узатар экан. — Раҳмат мен ичмайман. — Ие, йигит киши ҳам ичмайди? — тўнгиллади қўли қайтаганидан аччиқланган мехмон. Устози ранжиганини сезиб Қодиржон асабийлашди. Ҳатто ичмади. Мехмон бир-икки бор кетаман деб кўзгади. Уни ўзролаб ўтказишди жойига. Икромжон бироз ўтириб, уни-буну баҳона қилиб чиқиш кетди. — Аҳмоқ одам экан. Йигит кишиям шунақа бўладики, хотинларга ўхшаб... Устоз кеч кўзгалди. Қодиржон

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

(Давоми.Боши 1-бетда). Айна пайтада томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматларари комиссия фаолият юритиб келмоқда. Унинг иккинчи йилгилиши 2007 йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Болгарияга экспорт асосини газлама ва пахтадан йигирилган ип, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мой олинадиган ўсимликлар, турли хизматлар, ноорганик кимё ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ташкил этади. Болгариядан юртимизга фармацевтика ва гигиена маҳсулотлари, механик ва электр ускуналари, косметика, пластмасса жиҳозлари, мебель ва бошқа маҳсулотлар импорт қилинади. Ўзбекистонда болгариялик сармоядорлар иштирокида 13 та корхона тузилган. Улар савдо-воситачилик хизматлари кўрсатиш, халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, улгуржи савдо каби соҳаларда фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Болгариянинг бешта фирмаси акредитациядан ўтган. Мамлакатларимиз ўртасида маданий ва ижтимоий соҳаларда ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. 1998 йил февраль ойида «Ўзбекистон-Болгария» Дўстлик жамяти тузилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 1,5 минг нафар болгар миллатига мансуб аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Шундан 500 нафари Тошкентда. 1999 йил 24 май куни Ўзбекистонда болгар халқининг миллий ва маданий меросини, тили, анъана ва удумларини сақлаш ва ривожлантиришни мақсад қилган Болгария маданият маркази ташкил этилди. Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 29 та ҳужжат ташкил этиб, уларнинг 26 таси ҳукуматларари, иккитаси - идораларари битимлар, биттаси эса шаҳарларари — Бухоро ва Варна ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги шартномадир. Юқорида айтиб ўтилганлар мамлакатларимиз ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирининг мустақиллигини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган алоқалар жадал ривожланиб, мустақамлашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Болгария Республикаси Президенти Георги Парвановнинг давлат таширифи Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг янада кенгайиши ва чуқурлашиши, уларнинг янги босқичга чиқиши учун муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

Транспорт ЁШЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИШМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕМИРЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ 2015 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНИШ ЙЎРИҚНОМАСИ ДОИРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРДА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА-ЁШЛАР ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТИШМОҚДА. Улар Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институти олимлари билан ёнма-ён туриб, қатор долларб муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Транспорт тизимининг фойдаланган ҳолда электр таъминоти, ҳаракат таркиблари тузилиши ва динамикасига оид тақдиротларнинг юзга қилиши ҳам бундай ҳамкорлик қўл келади. Олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган магистратура ва иқтидорли талабалар билан ишлаш марказига аъзо бўлган ёш тадқиқотчиларнинг энг яхши изланишлари эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантириш кўмитаси томонидан уюштирилган танловда голибликни қўлга киритди.

«МОҲИР ҲАЙДОВЧИЛАР» НИШОНДОРЛАРИ

ШАҲРИМИЗ ТРАНСПОРТЧИЛАРИ ОРАСИДА ЎЗ КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛАЁТГАН ФАОЛИЯТЛИ ИҚТИДОРЛИ КЎП ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАҚДИРЛАШ КЎПИДА «МОҲИР ҲАЙДОВЧИ» КЎКРАК НИШОНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг бундай нуфузли мукофотида яқинда яна бир гуруҳ транспортчилар сазовор бўлдилар. Биринчи даража-ли кўкрак нишони билан «1-автокорхона», «2-Автобус саройи» очiq акциядорлик жамяятларидан Фахриддин Қозокбоев, Александр Тарабаринлар ҳам тақдирланди. Шунингдек, «Интер-транс-сервис» корхонасидан ҳам бир неча захматкаш «Моҳир ҳайдовчи» бўлди.

АВТОБУСЛАР ЯНГИ ЙЎНАЛИШДА

АҲОЛИНИНГ ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНИБ, ШАҲАР ҲАРАКАТ ТАРТИБИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли «2-автобус саройи» очiq акциядорлик жамяти томонидан очилган йўналишда эса 52-автобуслар қатнай бошлади. Бу янги йўналиш узоқ масофага ташкил этиб, йўловчиларга қулайлик туғдирди. Энг тажрибали ҳайдовчилар ушбу автобусларни бошқармоқдалар.

Акбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Турли асарлардан

(Шоислом Шомухамедов таржимаси)

Биров аҳмоқона иш қилса сенга, Унинг нодонлигин ҳар қалай унут. Нафс-ҳаво, жаҳолат келмасин голиб, Ақлинг фармонига мувофиқ иш тут.

Эй, энг яхши одам ким, деб сўраган, Айтайин, ким бўлар энг яхши одам. Энг яхши одам шу — кимдан халқига Қандайдир наф тегар ҳар куну ҳар дам.

Кўплар молин бериб, мардлик қилади, Мардлар жонин бериб, мардлик қилади.

Ҳарна кирса жўмард киши кўлига, Сочар дўстлар оёғига барчасин. Ўзи ўлғач, душманлари бўлишар, Хасис киши йигиб-терган нарсасин.

Жўмардлик шарт икки нарса, эй мард, Кулоқ бер, ростини мен сенга айтсам: Бири уддирки, ўртоғин кечиргай, Бир онда кўрса юз хил камчилик ҳам.

Ва ҳеч бир қилмагай нолойиқ иш ул, Сўраб узрини боши бўлмагай ҳам.

Дўстига агар кўшилса дўст-ёр, Орзу оғочи бўлар ҳосилдор. Орзу ва умид қалиди дўст-ёр, Ишрат билан айши бўлди пойдор.

Чин дўст ул — дўстлиги ошаверса гар Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам. Бошига минг жафо тоши ёғилса, Мехр уйи у тошдан бўлар мустаҳкам.

Ҳақиқий дўстга жонингни фидо қил, Ва лекин дўсту душман фарқини бил.

Берибсан ваъда, албатта вафо қил, Вафосизликни қалбидан жудо қил.

Дил, агар ногаҳон гамба учрасанг, Фамхўр дўстинг бўлса, у гап эмасдир. Қора кунинг учун дўстларинг керак. Роҳатли кун дўстлар ҳеч кам эмасдир.

Ҳаммага омонлик истагувчи бўл, Шунда адоватга қолмагай ҳеч йўл.

Дўст уруш бошлашин агар қилсанг ҳис, Тезлик бирла бўлган у дўстан олис.

Замон саҳифалари — инсон умри дафтари, Шундайин сўзни демиш ўйлаб топган бир доно. Кимки бу пок китобда яхши амали билан, Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло.

Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ, Бир ботмон қанддан ҳам, билгил, яхшироқ.

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан, Узгалар базмини қилади равшан. Булут бўл, сув бериб куйганда ёмғир, Гулни ҳам, хасни ҳам сўғорар бир-бир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Тадбирда Машинасозлик, Қурилиш ва миллий хунар-мандчилик, Радиотехника касб-хунар коллежлари ҳамда Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-академик лицей жамоалари иштирок этди. Катнаши-ўқувчилар мини-футбол, волейбол, шахмат, шашка, ўқув гранаталарини улоқтириш, стол тенниси

бўйича галаба учун кураш олиб борган бўлсалар, отаналар «Отам, онам ва мен — биргаликда спортчи оиласимиз» танлови бўйича куч синашдилар. Бахслар кизгин ўтиб, ҳақамлар қондаларга риюя этилиши устидан катъий назорат олиб бордилар. Ўз жамоаларини кўлаб-қувватлаб турган ишқибозлар

ҳам кўп бўлди. Кўрсатилган натижалар сарҳисоб қилинганидан сўнг умумжамоа ҳисобида галаба наҳидасини суриш Қурилиш ва миллий хунар-мандчилик касб-хунар коллежи жамоасига насиб этди. Машинасозлик коллежига иккинчи, Радиотехника ва автоматика коллежи ўқувчилари эса фахрли учинчи ўрин-

ларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда кўрсатилган натижалар хусусида тўхталадиган бўлсак, шахмат бўйича қизлар ўртасида 3-академик лицей ўқувчиси Дарья Панаркина, ўсмирлар баҳсида Машинасозлик коллежидан Жаҳонгир Абдувалиев голиб чиқиди. Шашка турида эса Радиотехника ва автомати-



ка коллежи ўқувчиси Дилфуза Рихсибоева ҳамда Қурилиш ва миллий хунар-мандчилик коллежидан Шерзод Холматов биринчи ўринларни эгаллашди. «Отам, онам ва мен — биргаликда спортчи оиласимиз» танловида эса Радиотехника ва автоматика коллежи шарафини ҳимоя қилган Сўпихоновлар оиласи

голиблар сафини бошқарди. «Саломатлик» спорт байрамининг голиб ва совриндорлари Фахрий ёрликлар, эсдалик совгалари билан тақдирланди. (Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Анжуманлар

ҚОНУНЛАР АМАЛИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

МАЪЛУМКИ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИгини САҚЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШДА САНИТАРИЯ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ҲОЛАТГА ЗАРУР ДАРАЖАДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, АҲОЛИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОБЛАНДИ.

«Экосан» халқаро ташкилотда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг амалиётга бағишланган жамоат эшитувларида худди шу масалаларга эътибор қаратилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати Департаменти, «Ўзком-муҳизмат» агентлиги, Бош прокуратура, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Федерацияси раҳбарлари иштирок этиб, бу борада олиб борилётган ишлар тўғрисида маълумот бердилар. Шунингдек, жамоат эшитувларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзолари Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази, «Маҳалла», «Нуруний» жамғармалари, хотин-қизлар кўмитаси, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг шаҳар ва туманлари бўлимларининг раҳбарлари ва бошқалар иштирок этидилар.

— Мазкур анжумани ўтказишдан асосий мақсад, — деди жумладан «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов, — аввало аҳоли яшаш ҳудудларининг санитария ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва барқарорлаштиришга қаратилган қонунчиликни таъбиқ этиш ҳамда касаллик ва инфекция тарқалишининг олдини олишда санитария-эпидемиология ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш орқали саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда аҳолининг мажбуриятлари ҳамда инсон ҳуқуқларининг кафолатлини борада кенг жамоатчиликнинг бохабарлигини ошириш, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига риюя этиш устидан олиб борилётган давлат санитария назорати тўғрисида кенг жамоатчиликка маълумот беришга кўмаклашишдан иборатдир.

Анжуманда жамоат эшитувлари иштирокчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қатор директив ҳужжатлар асосида республика ҳудудларида атроф-муҳит объектларидаги санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши барча чоралар кўрилиши борада Давлат санитария назорати хизмати томонидан сезиларли ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, охириги йиллар мобайнида аҳолининг саломатлик ҳолати ва инсон организмга салбий таъсир қилувчи омиллар санитария-гигиена назорати остига олинган бўлиб, аҳоли орасида аниқланган юкмули касалликлар бўйича айниқса қишлоқ аҳолиси ўртасида, шунингдек, аёллар ва болалар, катталар ўртасида ретроспектив таҳлиллар ўтказиб келинмоқда. Давлат санитария назоратини такомиллаштириш мақсадида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борада қатор ишлар амалга оширилди.

Жамоат эшитувида бу борада амалга оширилётган ишлар, шунингдек, жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Қизгин маърузалар, турли мулоҳаза ва таклифларга бой бўлган анжуман сўнггида қўрилган масалалар юзасидан ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Гулором ХАМИДОВА

ҲУҚМ ҲУҚИЛДИ

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ҲАҚИҚАТ ҚЎЙМАС...

ХАЛҚ ОРАСИДА БОТ-БОТ ТИЛГА ОЛИНАДИГАН: «ЎЗИНГИ ЭР БИЛАНГ, ЎЗГАНИ ШЕР БИЛ», НАКЛИ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН, АЛБАТТА. ЎЗИНИНГ МАНОФААТИНИ ЎЗГАЛАР ФОЙДАСИДАН УСТУН ҚЎЙИШГА МУККАСИДАН КЕТГАН, ЎЗИНИ СОҲТА ҲИМОЯЧИ ҚИЛИБ КЎРСАТИБ, АСЛИДА ЖИНОЯТЧИ НИКОНИНИ ҚИЙИБ ОЛГАН ЖОНДЎСТ ОМОНТУРДИЕВ (МАҚОЛАДА ТИЛГА ОЛИНАДИГАН ИСМ-ШАРИФЛАР ЎЗГАРТИРИЛДИ) СИНГАРИ ШАХСЛАР АНА ШУ ХАЛҚОНА ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИНИ ТЎҒРИ АНГЛАМАГАН КЎРИНАДИ, ШЕКИЛЛИ.

Республикаси Президентининг «Амнияти тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди «б» кичик бандига асосан жазодан озод қилинган. Бирок «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, Ж.Омонтурдиев ҳар икки жиноий жавобгарликдан тўғри хулоса чиқармай, яна жиноят кўчасига кирди. Шу боис у 1998 йил 16 июлда жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман судининг ҳукмига кўра Ж.Омонтурдиев 164-моддаси, 3-қисми, «б» банди, 112-модданинг 1-қисми, 59-моддаларига асосан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Нафсиламбирини айтганда, қабохат кўчасида «ибратли» йўлни босиб ўтган, бунга яраша панжара ортидаги ҳаёт «лаzzати»ни ҳам тотган Ж.Омонтурдиевга яхшигина ҳаёт сабоғи берилганди. Бироқ у яна ҳидоят йўлидан оғиб, жиноят йўлини танлади. Воқеа бундай содир бўлди:

...Тутқинликдаги ҳаётга хиёл нуқта кўйган Жондўст Бектемир тумани ҳудудидаги «Қуов механика» заводидан металл қуовчи бўлиб ишлаган, шу боис завод ишчиларига фойдаланиш учун топширилган ётоқхонада истиқомат қилиб келаётганди. У жорий йилнинг 21 феввали соат 21.30 ларда айна шу оилавий ётоқхонада истиқомат қилувчи синглиси Султоний Саидбекованинг уйига спиртли ичимлик ичган ҳолда кириб боради. Бу хонадонда С.Саидбекованинг турмушдан ажрашган қизи Ойхумор Авезова ҳам истиқомат қиларди. Спиртли ичимлик таъсирида «шер» бўлиб кетган тоға жияни Ойхумор ва шу ётоқхонада яшовчи Леонид Лисенковнинг суҳбатлашиб юришини асоссиз баҳона қилиб, уни куракда турмайдиган сўлар билан ҳақорат қила-

кедиш пайга тушади. Спиртли ичимлик таъсирида ўзлигини йўқотган Жондўст эса унинг гапларини ўзига нисбатан ҳақорат деб билади ва жиянини шу ерда турган болалар самोकати билан дўппослай кетади.

О.Авезова олган тан жароҳати туфайли клиник шифохонага олиб келинган ҳамда унга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилган.

...Ж.Омонтурдиевнинг «лат еган» иззат-нафси бу билан қаноат топмайди. Айни шу кун соат 22.00 ларда ётоқхонанинг 1-2-қаватлари оралиғида Леонид Лисенковни қайта кўриб қолиб, ўдағайлай бошлайди.

— Сен жиянин билан гаплашиб юрасан-а?!

— Жиянинг ким? Умуман, сиз адашяпсиз?

— Гапни айлантирма, қасамхўр!

«Лўлидан ботир чикса, чодирнинг шўрин» деганларидек, Леонид Лисенковнинг кўркүв зўридан титрай бошлагани, ўзининг эса ўқтамлиги тобора ортиб бораётганидан қувонган Жондўст «хўжум» суръатини пасайтиргиси келмади.

— Боягина айтдим-ку, сизга, — деди Леонид қақшаб. — Мен ҳеч қанака Ойхуморни танимайман. Ўлай а-а-а-р...

— Учир, ўлак! Энди кунинг битди, сени...

Леонид қаршисида ўлжасига танланмоқчи бўлган қашқирдай ваҳожатли тусда келаётган Жондўстнинг кўлида пичоқ ялтираб кетганини кўриб-ю, ёруғ дунёдаги ҳаётдан умидини узди. Бироқ қимирлаган тирик зотда ўзини ҳимоя қилиш инстинкти бор. Леонид ҳам кўлидан келганича ўзини ҳимоя қилиб кўрди. Лекин ичкилик зўридан ваҳийлашиб кетган

Ж.Омонтурдиев унинг қорин қисмига бир маротаба уриб, оғир тан жароҳати етказган. Кейинчалик, маълум бўлган тергов-суриштирув жараёнида бу жиноят якуни Жондўстнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмай қолганлиги аниқланди. Билмадик, ҳолис одамлар икковлонни ажратишмаганида бу жиноят қотиллик билан интиҳо топиши муқаррар бўлармиди?!

Хуллас, Л.Лисенков ҳам худди О.Авезова каби клиник шифохонага шойилинч тарзда олиб келинди. Кўрсатилган тез тиббий муолажалар натижасида унинг ҳаёти сақлаб

қолинди. Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, Л.Лисенков баданида, қорин девори ўнг армида, қорин бўшлиғидаги муаллангсимон ўсимтани жароҳатлаб ўтган ва санчиб кесилган жароҳат таъсирида етказилганлиги аниқланган.

Одил судлов мазкур жиноий тафсилотни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳукм эълон қилди. Унга бинован Ж.Омонтурдиев 60, 61-моддаларига асосан тайинланган жазога Юқори Чирчиқ туман судининг 1998 йил 13 июлидаги ҳукминини инобатга олиб ўталмай қолган жазони қисман қўйиш йўли билан Ж.Омонтурдиев 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бундан ташқари Ж.Омонтурдиев 34-моддаси 3-қисми билан айбдор ҳисобланадиган Ж.Омонтурдиев «ўта ҳавфли рецидивист» деб топилди. Судланувчига белгиланган жазо максимум тартибли колонияларда ўталади.

...Ўқинида археологлар Миср михатларининг ноёб, мозий фани учун қутулмаган турларидан бирини топилди. Бундан 3.000 йил олдин битилган тошбитикда: «Фараонларимиз бизнинг айтганларимизни қилмай қўйишди», деб ёзилган экан. Ж.Омонтурдиев-ю болалик, ўйинкароқлик пайтидан аллақачон ўтиб кетган. Ахир у яқинда 47 ёшга тўлади. Бироқ ана шундай тўлишган ёшда оқ ароқнинг қора қилмиши касрига қолишдан асраган экан.

Хулоса ва мулоҳазалар яна сизларга ҳавола деган фикрдаимиз.

Хамро БЕРДИҚИЛИЧЕВ, жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман суди судьяси. Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист.

Carlsberg МЧЖ «Sarbast Plus» ҚҚ номи муассисларнинг 2008 йил 3 октябрда ўтказилган умумий мажлиси баённомасига бинован МЧЖ «UZCARLSBERG» ҚҚ деб ўзгартирилди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат реестрида 2008 йил 6 октябрда №474 рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

Чилонзор тумани, Қизил Шарқ даҳаси 5-уй, 27-хонадонда яшовчи Д.Х. Нигманова номига берилган хонадон режиси йўқолганлиги сабабли **БЕКРО ҚИЛИНАДИ**

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради. **Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27**

Ўқувчиларнинг кузги таътил кунларида 4 НОЯБРАН 11 НОЯБРГАЧА Тошкент Давлат цирки барчани «Қувнок карусел» цирк дастурига **ТАКЛИФ ЭТАДИ** Унда: Каптарлар, Мушуклар, Йўлбарссимон питон Жорик, Пақана отлар, Ламалар, Кучуқчалар, Акробатлар, Гимнастлар, Чавандоз аёллар ва албатта, **ҚУВНОК МАСХАРАБОЗЛАР** маҳоратидан баҳраманд бўласиз!!! Циркимизга келинг, бирга яйраб-қувнаймиз!!! Топишлар соат 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар ва жамоавий тарзда келиш учун буюртмалар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 244-35-91 244-32-23 244-35-94

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусха босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа оқшомдорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 6

Топширилган вақти: 13.36

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 1006